

# Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган байрам – фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни муносабати билан бир-бирларини табриклаб, мамлакатларимиз фахрийлари ва биродар халқларига тинчлик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тиладилар.

Чегараолди ҳудудларда Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш мақсадида яқин ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жабр кўрган туманларда аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва инфратузилмани тиклаш бўйича навбатдаги қадамлар келишиб олинди.

Президентлар коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазиятни ҳам кўриб чиқдилар. Пандемияга қарши кураш, аҳоли ва бизнес учун чекловларни босқичма-босқич юмшатиш борасида мамлакатларимизда кўрилаётган чоралар қўллаб-қувватланди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни тез фурсатларда амалга ошириш, жумладан, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, транспорт ва логистика, бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Сухбат якунида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган кенг кўламли Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигини кенгайтиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

**Манба**